

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ
ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ
ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ШУКУРОВ ЭСАНДАВЛАТ МЕНГЗИЯЕВИЧ

**ОЁҚ УЗУН СУЯКЛАРИНИНГ Кўп сонли синишлари бўлган
БЕМОРЛАРНИ КЕНГ КўЛАМДА ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ**

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Шукуров Эсандавлат Менгзияевич Оёқ узун суяқларининг кўп сонли синишлари бўлган беморларни кенг кўламда ташхислаш ва даволаш.....	3
Шукуров Эсандавлат Менгзияевич Комплексная диагностика и лечение больных с множественными переломами длинных костей нижних конечностей.....	23
ShukurovEsandavlatMengziyayevich Complex diagnosis and treatment of patients with multiple fractures of long Bones of the lower extremities.....	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	47

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ
ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ
ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ШУКУРОВ ЭСАНДАВЛАТ МЕНГЗИЯЕВИЧ

**ОЁҚ УЗУН СУЯКЛАРИНИНГ КЎП СОНЛИ СИНИШЛАРИ БЎЛГАН
БЕМОРЛАРНИ КЕНГ КЎЛАМДА ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ**

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссиясида №B2017.1.DSc/Tib101 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.uzniito.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Дурсунов Аҳмат Маликшаевич
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Каримов Муродулла Юлдашевич
тиббиёт фанлари доктори

Саттаров Алишер Рахимович
тиббиёт фанлари доктори

Мусаев Тохир Сиддиқович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчиташкилот:

**Национальный медицинский исследовательский центр
травматологии и ортопедии имени академика Г.А.
Илизарова (Российская Федерация)**

Диссертация химояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри, Махтумқули кўчаси, 78 уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ -рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100147, Тошкент шаҳри, Махтумқули кўчаси, 78 уй. Тел.: (+99871) 233-10-30.

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Э. Ирисметов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
тиббиёт фанлари доктори

У.М. Рустамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари номзоди, катта илмий ходим

И.Ю. Ходжанов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Оёқ суякларининг кўп сонли синишлари жароҳатларнинг энг оғир тури ҳисобланиб, юқори энергияли шикастланишларнинг ортиши ва замонавий технологиянинг жадал ривожланиши (доимий урбанизация, йўл ҳаракати ходисаларининг ўсиши, кўп қаватли қурилиш, саноат ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва бошқа техноген ҳалокатлар) билан боғлиқ. Сўнгги йилларда оёқ суякларининг кўп сонли синишлари ва кўшма жароҳатлар миқдори «...травматологик беморларнинг 25-28%ини, умумий синишларнинг эса 6,6%дан 75,5%ини ташкил этади...»¹. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) манбаларига қараганда, «...18 ёшдан 40 ёшгача бўлган кишиларда ўлимнинг асосий сабабчиси кўп сонли жароҳатлар ҳисобланиб...»², онкологик ва юрак қон томир касалликларидан кейинги ўринни эгаллайди.

Жаҳонда узун суяклар кўп сонли синишларини ташхислаш ва даволаш борасида қатор изланишлар олиб борилмоқда. Синишларни ташқи фиксация аппаратлари, жумладан Илизаров аппарати ёрдамида даволашнинг оригинал ва такомиллаштирилган усуллари, сих ва стерженли мосламалар ва суяк усти блокловчи пластиналарини яратиш, репаратив регенерация жараёнининг секинлашиши, посттравматик контрактура ва сохта бўғимлар профилактикаси ва уларнинг фиксация усуллари ишлаб чиқилмоқда. Стабил-функционал суяклараро остеосинтез ҳамда интрамедуляр блокловчи тизимли остеосинтез (БИОС), миниинвазив пластинали остеосинтез (МІРО), локал компрессияловчи пластинаси (LCP), бурчак остида стабилловчи реконструктив пластинаси, блокловчи суяк усти ташқи фиксация комбинацияларини ишлаб чиқишга бағишланган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Эришилган сезиларли ютуқларга қарамай, эрта реабилитация жараёнида каминвазив остеосинтез технологияларини такомиллаштириш муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш, жумладан юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, «...тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, шу жумладан аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш...»³ каби муҳим вазифалари белгиланган. Бу борада ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни, шу жумладан диагностика ва даволаш усуллариини такомиллаштириш, асоратларни олдини олиш, замонавий технологияларни тадбиқ этиш, шунингдек, ўз вақтида кўрсатилган тиббий хизмат беморлар ҳаёт сифатини ошириш тадқиқотнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

¹ Багиров А.Б., Цискарашвили А.В. Наружный остеосинтез при переломах длинных костей нижних конечностей. Политравма 2018 №3 с. 27.33

²World Health Organization Department of Violence & Injury Prevention & Disability (VIP) 20 Avenue Appia Geneva 27 Switzerland / Global status report on road safety // <https://apps.who.int/iris/bitstream/handle>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4007-сон «Давлат тиббиёт муассасалари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантиришни қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ амалга бажарилган.

Тема мавзусининг халқаро илмий текширувлар шарҳи⁴. Оёқ узун суяқларининг кўп сонли синишлари бўлган беморларни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: School of Medicine of Maryland's University (Baltimore, USA), Newcastle University (London, England), American academy of orthopedic surgeons (Philadelphia, USA); Harvard Medical School in Britain (London, Great Britain); Clinic Witten-Herdecke (Köln Merham, Germany); Hospital for Special Surgery (New York, USA); Vivantes International Medical Center (Berlin, Germany); Asan Medical Center (Seoul, South Korea); Acibadem (Istanbul, Turkey); Институт патологии позвоночника и суставов им. проф. М.И.Ситенко (Харьков, Украина); Национальный медицинский исследовательский центр травматологии и ортопедии имени Н.Н. Приорова (Москва, Россия); Научный центр травматологии и ортопедии им. академика Г.А.Илизарова (Курган, Россия); Шошилич тиббий ёрдам илмий марказида (Тошкент, Ўзбекистон Республикаси) олиб борилмоқда.

Оёқ узун суяқларининг кўп сонли синишларини даволаш бўйича қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: компрессион-дистракцион Илизаров аппарати ишлаб чиқилган (Академик Илизаров номидаги травматология ва ортопедия илмий маркази); суяк импланти ксеноматериаллари, остеоинтеграция ва оёқ функцияларини тиклаш тиббий технологиялари такомиллаштирилган; метал имплантат биопотенциаллари аниқланган, уларнинг генерацияси учун аппаратлар комплекси яратилган; даволаш асоратлари, наркотик моддалар заруриятини камайтиришга, яллиғланиш медиаторлари синтезини пасайтиришга эришилган (John Hunter Hospital and University of Newcastle, Newcastle, NSW, Australia;

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <https://www.researchgate.net/>; <https://online.boneandjoint.org.uk/doi/full>; www.researchgate.net/publication/; www.icrc.org/eng/assets/files/other/icrc; www.mdpi.com; online.boneandjoint.org.uk/doi/; emedicine.medscape.com/article/1270717-treatment; www.academic.oup.com/milmed/article/183/suppl; www.jamanetwork.com/journals/jamasurgery /fullarticleva бошқа сайтлар асосида амалга оширилди.

Berufsgenossen Schaftlice Unfall Clinics Duisburg, Germany; Clinic Witten-Herdecke, Köln Merham, Germany; Белоруссия травматология ва ортопедия илмий текшириш институти, Минск, Белоруссия); политравмада суяк синишларини даволаш учун компрессион-дистракцион-деротацион аппаратлар ва узун суяклар остеосинтез конструкциялари ишлаб чиқилган (Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент, Ўзбекистон Республикаси).

Ҳозирги вақтда оёқ узун суяклари кўп сонли синишларини даволаш усулларини такомиллаштириш ва натижаларини яхшилаш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Урбанизация ва кўп сонли синишлар сонининг барқарор ўсиши, даволаш тактикаси ва унинг қониқарсиз натижалари муаммолари бўйича ёндашувларнинг ноаниқлиги, тромбоемболик асоратларнинг мавжудлиги эса ташқи фиксация қилувчи суяклараро остеосинтез аппаратларини ва суяк ичи металл конструкцияларни такомиллаштириш, уларнинг компановкасини жароҳатнинг характери ва локализациясига кўра оптималлаштириш, каминвазив остеосинтез технологияларини такомиллаштириш муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Оёқ узун суяклари кўп сонли синишларини даволашда каминвазив ташқи ва ички мосламалар ёрдамида даволаниш даврини 1,5-2,3 марта қисқартириши, оптимал даврда консолидациясига эришишга имкон бериши аниқланган (Багиров А.Б., Цискаршвили А.В., Лаймуна К.А., ва бошқ., 2015; Дюсупов А.А., Букатов А.К., Базарбеков Е.Н., Серикбаев А.С., Манарбеков Е.М., Дюсупова Б.Б., 2018). Қатор муаллифлар фикрига кўра (Лазарев А.Ф., 2004; Гильфанов С.И., 2010; Загородний Н.В., 2012; Городниченко А.И., 2014), кекса ва қари ёшдаги беморларга жароҳат олган биринчи уч кун ичида суяк ичи интрамедуляр блокловчи конструкциялар ёрдамида остеосинтез бажарилиши мақсадга мувофиқ. Ипполитов И.Ю., Кисткин А.И., Широков И.И. (2016) ҳамда Моколов В., Бялик Е.И.лар (2019) интра- ва экстрамедуляр остеосинтез кўллаб, ижобий натижалар олишган. Эрта даврда ўлимнинг асосий сабабларидан бири - ёғли эмболия синдроми (Berdai A., 2014; Healy N., 2015; Liu X., 2016), оёқ веналари тромбози (Paffrath T., 2010; Holley A., 2014; Kim J., 2015), ўпка артерияси тромбоемболияси эканлиги (Баешко А.А., 2004; Петров А.Н., 2015; Godzik J., 2014) исботланган. Оғир жароҳатларда қонда гиперкоагуляция кузатилган ва жароҳатнинг биринчи кунларидаёқ оператив даволаш таклиф этилган (Панков И.О., Сиразитдинов С.Д., Кривошапко С.В., Сиразитдинов Д.Т., 2016).

Мамлакатимизда олиб борилган илмий тадқиқотларда асоратларнинг келиб чиқиш сабаблари, барвақт стабиллаш ўткир ёғли эмболия профилактикаси учун муҳим эканлиги исботланган (Валиев Э.Ю., 2005). М.Ж. Азизов ва ҳаммуаллифлар (2011) фикрига кўра, диафизар синишларни даволашда блокловчи интрамедуляр стерженлардан фойдаланиш жароҳатни минимум камайтиришга олиб келади. Политравма жароҳатларининг оғирлик даражаси баҳоланган, даволаш даврида асоратларнинг кўп учраши

исботланган (Хакимов Р.Н., Валиев Э.Ю., 2013).

Бугунги кунда, оёқ узун суяклари диафизар синишлари асоратларининг кўп қирралилиги ва уларни даволаш усулларининг турлилиги диагностика ва даволаш муаммоларининг долзарблигини янада оширади (Писарев В.В., Алейников А.В., Васин И.В., Ошурков Ю.А., 2013). Жароҳатларнинг оғирлик даражаси ва юқори энергетик синишлар сонининг ўсиши, даволаш даврида асоратларнинг кўп учраши билан боғлиқ (Frick R.W., 2000; Амчеславский В.Г., 2003). Диафизар синишларда суяк усти остеосинтези йўли билан даволашда 37%гача суяк битмаслиги ва консолидациянинг секинлашиши ҳолатлари кузатилган (Попсуйшапка А.К., Ужигова О.Е., Литвишко В.А., 2013). Кўп сонли жароҳати бўлган беморларнинг сони, ўлим ва ногиронлик кўрсаткичларининг ошиб бориши умумий қабул қилинган даволаш тактикаси етарли даражада ишлаб чиқилмаганлигини кўрсатади (Набиев Е.Н., Тезекбаев, Тусупов Д.М., 2019). Политравма диагностикаси ва хирургик даволаш усуллари бағишланган илмий ишлар сонининг кўплигига қарамай, синиқ тури ва оғирлик характериға кўра Илизаров усулининг оптимал турларини қўллаш ҳозиргача тўлиқ асослаб берилмаган. Халқаро тавсияларға (2015) кўра, кўп сонли жароҳати бўлган беморларда тромбоземболик асоратларни олдини олиш учун антиромботик препаратлар қўллаш ҳар доим ҳам адекват бўлмайди, асосан тромбозпрофилактика ҳар 10 та ҳолатдан 4 тасида ўтказилади. Кечки асоратлар кузатилиши, натижада ногиронлик, ҳаёт сифатининг пасайиши, ўлим кўрсаткичларининг ошиши каби муаммоларнинг кенг қўламлилиги муаммони долзарблиги кўрсатади ҳамда хавф даражасини тўғри баҳолаш, тромбозпрофилактикани адекват танлаш, медикаментоз профилактикаға адекват ёндашиш кераклигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АДСС 14.2.1.-сон «Узун суяклар синишларини остеосинтез учун қурилма ишлаб чиқиш» (2006-2008 йй.), АДСС 15.7.3-сон «Суяк синишларида стабил функционал остеосинтез янги усул ва қурулмалар ишлаб чиқиш» (2012-2014 йй.) амалий грантлари, ИТСС 7.4-сон «Узун суяклар даволашда янги сихли-стерженли мосламаларни кўплаб серияли ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш» (2009-2011 йй.) гранти лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади оёқ узун суяклари кўп сонли синишларининг даволаш натижаларини кенг қўламли диагностика ва ташқи-ички каминвазив даволаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оптимал даволаш ва диагностика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадида оёқ узун суякларининг кўп сонли синишлари билан даволанган беморларнинг даволаш натижаларини ретроспектив таҳлил қилиш;

оёқ узун суякларининг кўп сонли синишлари бўлган беморларни даволаш учун ташқи сих-стерженли мосламалар ишлаб чиқиш ва уларнинг

мустаҳкамлигини биомеханик экспериментал асослаб бериш;

экспериментал қуёнларда кўп сонли синишлар чақириш, сих-стерженли мосламалар ёрдамида даволаш, унинг натижаларини ҳамда сих-стерженлар атрофи суяк тўқималарининг регенератив ҳолатини морфологик баҳолаш;

оёқ узун суяклари кўп сонли синишлари бўлган беморларда иммобилизацион остеопороз ҳолатини биохимик ва нурли диагностика усуллари ёрдамида аниқлаш ва бисфосфонатлар таъсири остида медикаментоз остеотроп даволашнинг мақсадга мувофиқлигини асослаб бериш;

оёқ узун суяклари кўп сонли синишлари бўлган беморларда ички-ташқи фиксация ва БИОС аппаратларини комбинация услубини ишлаб чиқиш ва даволаш натижаларини баҳолаш;

оёқ узун суяклари кўп сонли синишлари бўлган беморларда асоратларни прогнозлаш ва комбинация вариантларини танлаш бўйича амалий кўрсатмалар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2002-2018 йиллар давомида Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази клиникасида оёқ узун суякларининг кўп сонли синиши билан даволанган 220 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида оёқ узун суяклари кўп сонли синишлари бўлган беморларда ўтказилган клиник, экспериментал, инструментал, лаборатор ва диагностика усуллари натижалари олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсади ва қўйилган вазифалар ечимига эришиш мақсадида клиник, рентгенологик, доплерографик, денситометрик, биомеханик, экспериментал, морфологик ва статистик текширув усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оёқ узун суяклари кўп сонли синишларини даволаш учун Илизаров аппарати компановкалари сих-стерженли мосламалар ёрдамида такомиллаштирилган;

оёқ узун суяклари кўп сонли синишларини даволаш учун Илизаров аппарати компановкаларининг такомиллаштирилишига асосланган суяк консолидациянинг чўзилишини олдини олувчи комплекс даволаш тактикаси ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган каминвазив ташқи сих-стерженли мосламаларнинг 30-40 килограммга тенг стабил мустаҳкамлиги экспериментал биомеханик текширувлар ёрдамида исботланган;

қуёнларда ўтказилган экспериментал текширувларга асосланган ҳолда суякларнинг кўп сонли синишларида бисфосфонатлардан фойдаланиш стерженлар атрофидаги фибробласт суяк тўқималари пролиферацияси профилактикаси ҳамда оптимал консолидация муддатларига эришиш мумкинлиги исботланган;

ишлаб чиқилган ташқи гибрид сих-стерженли мосламаларни блокловчи интрамедуляр стерженлар билан бирга комбинация ҳолида қўллаш инфекцион ва инфекцион бўлмаган ёғли эмболия, чуқур веналар тромбози каби асоратларнинг камайиши, суяк регенерациясининг оптималлашиши ва

бўғимлар контрактурасининг олди олиними исботланган;

оёқ узун суяклари кўп сонли синишлари ва иммобилизацион суяк мўртлиги бўлган беморларда даволашда бисфосфонатлардан фойдаланиш посттравматик остеопения ҳолатининг камайиши ва иммобилизацион остеопеник даврнинг қисқариши денситометрик текширувлар ёрдамида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

оёқ узун суяклари кўп сонли синишлари бўлган беморларда диагностика ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилган ва кутилаётган асоратларни прогнозлаш дастури таклиф этилган;

оёқ узун суяклари кўп сонли синишларини даволашда ишлаб чиқилган сих-стерженли ташқи мосламалардан фойдаланиш орқали самарадорликни оширишга эришилган;

оёқ узун суяклари кўп сонли синишлари бўлган беморларни даволаш жараёнида рентгенденситометрик текширувлар асосида эрта даврда ва иммобилизацион даврда суякларнинг минерал зичлиги ҳолатини аниқлаш тавсия этилган;

оёқ узун суяклари кўп сонли синишлари бўлган беморларда бисфосфонатларни қўллаш суяк минерал зичлигининг нормал ҳолатини сақлаб қолиш ва иммобилизацион остеопорознинг олдини олиш имконини бериши исботланган;

оёқ узун суяклари кўп сонли синишлари бўлган беморларда доплерографик тадқиқотлар асосида қон томир тромбозларини эрта посттравматик даврда аниқлаш ва эрта профилактик чора-тадбирлар ўтказиш бўйича диагностика-даволаш тактикаси таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган клиник, клинко-биохимик, рентгенологик, доплерографик, денситометрик, биомеханик ва морфологик текширувлар натижалари, беморлар сонининг етарлилиги, шунингдек аналитик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги ва олинган барча натижа ва ҳулосалар далилларга асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти оёқ узун суяклари кўп сонли синишлари бўлган беморларда бисфосфонатларнинг қўлланилиши стерженлар атрофидаги фибробласт суяк тўқималари пролиферацияси профилактикасига ва оптимал консолидация муддатларига эришишга олиб келиши ҳамда остеопороз маркерлари ҳолати, суяк минерал зичлиги ва иммобилизацион ҳолатнинг ўзаро боғлиқлиги исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти оёқ узун суяклари кўп сонли синишлари бўлган беморларни даволашда ишлаб чиқилган сих-стерженли ташқи мосламаларни қўллаш орқали суяк бўлақларининг барча турдаги силжишларини бартараф этилиши; остеосинтез мустаҳкамлиги ва фиксация барқарорлиги; ташқи мосламалар, сих ва стерженлар атрофидаги суяк тўқималари морфофункционал ўзгаришларини профилактика қилиш ва даволаш учун кўшимча остеотроп препаратлар қўллаш ҳамда беморларда

эрта реабилитация ўтказишнинг муҳимлиги исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оёқ узун суякларини кўп сонли синишларини даволаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

«Оёқ узун суяклари синишлари остеосинтези учун сик-стерженли аппарат» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 26 февралдаги 8н-д/43-сон маълумотномаси). Олинган натижалар оёқ узун суяклари кўп сонли синишларини даволаш тактикасини оптималлаштириш имконини берган;

«Узун суякларни остеосинтез учун қўлланиладиган стерженли мослама» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 26 февралдаги 8н-д/43-сон маълумотномаси). Олинган натижалар оёқ узун суяклари кўп сонли синишларини даволаш жараёнида ва консолидация даврида Илизаров аппаратлари компановкалари элементларининг такомиллаштирилишига асосланган фиксация қилувчи оптимал остеосинтез тактикаси ишлаб чиқилган ва кўп сонли синишларда суяк бўлақларининг барча турдаги силжишларини бартараф этиш имконини берган ҳамда даволашнинг тўлиқ жараёнида суяк бўлақларининг барқарорлигини таъминлаш имконини берган.

Оёқ узун суякларининг кўп сонли синишларида диагностика қилиш ва кенг қўламли даволаш тактикасини жорий жараёнида олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Республика шошинч тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент вилояти филиали амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 26 февралдаги 8н-д/43-сон маълумотномаси). Таклиф этилган диагностика ва даволаш усулларини амалиётга тадбиқ этиш йирингли асоратлар сони, ёғли эмболия ва чуқур веналар тромбозининг 1,8 маротаба камайтириш, қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари ва суяк тўқимаси минерал зичлик кўрсаткичларининг барқарорлашишига ва синган оёқнинг анатомик шакли ва функциясининг нормаллашиши 82,5%гача яхши натижалар берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 19та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 9таси халқаро ва 10таси республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 43та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижалари чоп этилиши тавсия этилган илмий нашрларда 11 мақола, жумладан 7та республика ва 4та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, 6 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 182 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, изланишнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий ахамияти очиқ берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг жорий қилиниши, муҳокамадан ўтказилиши ва илмий иш натижаларининг нашр қилинганлиги ҳамда диссертациянинг қисқа тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Оёқ узун суяклари кўп сонли синишларини даволашнинг замонавий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобда адабиётлар таҳлили келтирилган. Бу бобда оёқ узун суякларининг кўп сонли синишларини замонавий даволаш усуллари, келиб чиқиши мумкин бўлган асоратлар эрта диагностикаси ва профилактикасига бағишланган замонавий адабиётлар таҳлил қилинган. Суяк синишларининг клиник кечиши даврида келиб чиқиши мумкин бўлган асоратлар - травматик шок, ёғли эмболия, томирлар тромбози ва тромбоземболик асоратларини даволаш ва эрта диагностика қилиш учун замонавий ва каминвазив текширув, сих ва стерженли ташқи мосламаларни, замонавий даволаш технологияларини (блокловчи интрамедуляр стерженлар ва блокловчи АО пластиналарини) қўллаш асослаб берилган.

Диссертациянинг «**Клиник материал ва қўлланилган текшириш усуллари характеристикаси**» деб номланган иккинчи бобда клиник материаллар тавсифи берилган ва текширув усуллари, жумладан ультратовушли доплерография, денситометрия, биомеханик, лаборатория, экспериментал текширувлари таърифи берилган.

Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази клиникасида 2002-2018 йилларда оёқ узун суякларининг кўп сонли синишлари ташхиси билан даволанган 220 нафар бемор натижалари ўрганилган. Илмий тадқиқот иши бажарилиш жараёнида клиник, ультратовушли доплерография, рентген денситометрия, морфологик, биомеханик, статистик текширув усулларида фойдаланилди. Жароҳатнинг асосий сабаблари 138 та (62,7 %) ҳолатда йўл транспорт ҳалокати, иш жароҳати 53 та (24,1%), маиший жароҳат 29 та (13,2%) ни ташкил этди. Жароҳатланганлар ёши 18 ёшдан то 60 ёшни ташкил этди. Жароҳатланганлар ўртача ёши $40,5 \pm 11,9$ ёшни ташкил этди. Беморларни жинсига ва ёшига қараб тақсимлаганда эркаклар кўпчилики 180 та (81,8%), аёллар 40 та (18,2%) ни ташкил этди. Суяк синишларининг локализациясига кўра беморлар қуйидагича тақсимланди (1-жадвал).

Тадқиқотлар бажарилишида рентгенологик текширувлар «TUR-D 800-4» (Germany) ва «Flexavision HB» (Japan) аппаратларида бажарилди. Допплерографик текширувлар оёқлардаги қон томирлар тромбозини эрта

ташхислаш мақсадида SA-8000 (South Korea) ультратовуш сканер ёрдамида ўтказилди.

1-жадвал

Беморларни синиқларнинг локализациясига кўра тақсимланиши

Синиш локализацияси	Суяк синишлари				Жами	
	Икки томонлама		Бир томонлама		абс.	%
	абс.	%	абс.	%		
Сон-болдир суяклари	54	24,5	23	10,5	77	35,0
Болдир суяклари	83	37,7	29	13,2	112	50,9
Сон суяги	15	6,8	16	7,3	31	14,1
Жами	152	69,1	68	30,9	220	100

Суяк тўқимаси зичлигини тизимли баҳолаш икки энергияли рентгенологик абсорбциометрия усулида (DXA) «Stratos» (France) аппарати ёрдамида стандарт (соннинг проксимал қисми ва бел умуртқаларида) ва умумий дастур (total body) бўйича ўтказилди.

Ишлаб чиқилган сихли-стерженли ташқи мосламалар мустаҳкамлик коэффициенти Ўзбекистон Фанлар Академиясига қарашли М.Т. Ўразбоев номидаги Механика институтининг конструкциялар мустаҳкамлиги ва иншоотлар сейсмик барқарорлиги лабораториясида ўтказилди. Экспериментал текширувларни ўтказиш учун юқори частотали тензорезисторлар ёрдамида махсус ўлчов услуги ишлаб чиқилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Этик қўмитасининг 2013 йил баённомасига асосланган ҳолда шиншилла зотига мансуб куёнларда чақирилган синишларда ташқи стерженли минимослама қўлланилиб, суяк ичи ва суяк атрофи тўқималарининг бисфосфонатлар таъсирида реператив регенерациясининг морфологик ҳолати текширилди. Тадқиқотлар Республика патология-анатомия марказида ўтказилди. Олинган натижаларга персонал компьютер Excel йиғмасидаги статистик ишлов берилди. Ўртача миқдорлар фарқи $P < 0,05$ бўлганида ишончли деб баҳоланди.


Диссертациянинг «**Суяк синишларини даволаш учун ташқи сихли-стерженли мосламалар ишлаб чиқиш ва уларнинг биомеханик мустаҳкамлигини аниқлаш**» деб номланган учинчи бобда ишлаб чиқилган сихли-стерженли мосламалар техник тавсифи келтирилади. Илизаров конструкцияси асосида оёқ узун суяқларини синишларини остеосинтези учун уч вариантдан иборат компановкалар йиғмаси ишлаб чиқилди. Ушбу бобда сих-стерженли ва стерженли мосламаларнинг техник таърифи келтирилган.

Сих-стерженли аппаратда ташқи таянч сифатида Илизаров аппаратининг

тўртта ярим халқаси фойдаланилди ва улар ўзаро резбали, винтли стерженлар билан бириктирилди. Суяклар орқали фиксаторлар сифатида турли (4-6мм) диаметрдаги сих ва стерженлар ишлатилди. Сих ва стерженлар ташқи таянч мосламага махсус тешик ва чуқурчалари бўлган фиксаторлар ёрдамида маҳкамланган. Ҳар бир стержен резбали шуруп қисми, текис цилиндрик қисм ва калитга мўлжалланган дум қисмлардан иборат (1а-расмга қаранг).

Иккинчи мослама Илизаров аппарати элементлари компановкаси асосида яратилган бўлиб, стержен фиксаторлар, гайка, бир-бирига параллель жойлашган ярим халқачалар ёрдамида маҳкамланган резбали штангалар ва планкалардан ташкил топган (1б-расмга қаранг).

Учинчи модификация қилинган конструкция моҳияти - ташқи таянч сифатида 2 та Илизаров ярим халқалари олиниб, улар ўзаро резбали винтлар ёрдамида бириктирилган (1в-расмга қаранг).



Расм 1. Оёқ узун суякларни даволаш учун ишлаб чиқилган мосламалар схематик кўринишлари: а) сих-стерженли мослама; б) стерженли мослама; в) модификация қилинган сих-стерженли аппарат.

Ҳар учала мосламалар ёрдамида суяк фрагментларига компрессия ва дистракция берилади, сих ва стерженларни ярим халқа тешикларига мос ҳолатда суриш йўли билан ротацион силжишлар бартараф этилади. Бунда сих ва диаметрли 4-6мм гача диаметрли стержендан фойдаланилади. Сих ва стерженлар ярим халқага нисбатан горизонтал ҳолатда жойлаштирилган, суяк ўқиға нисбатан стержен ва сихлар ўзаро 90 градус остида жойлаштирилади. Ҳар бир мослама конструкцияси суяк синишлари характери ва локализациясига кўра остеосинтез барқарорлигини ошириш учун кўшимча сих ва стерженлар ўтказиш имкониятига эга.

Ишлаб чиқилган сих-стерженли ташқи мосламалар мустаҳкамлик коэффициенти статик кучлари остида биомеханик текширувлар асосида аниқланди. Биомеханик экспериментал текширувлар кўрсатдики, ишлаб чиқилган стерженли мослама сиқувчи ва тортувчи $P=20$ кг кучлар, сих-стерженли мослама сиқувчи $P=30$ кг куч ва тортувчи $P=48$ кг кучлар таъсирида барқарорликни таъминлайди ҳамда унда юқори бўлган кучлар

таъсири остида мосламаларда деформация кузатилади. Ўтказилган биомеханик экспериментларга асосланиб, ишлаб чиқилган ташқи сикстерженли мосламалар оёқ узун суякларини синишларини даволашда қўллаш тавсия этилди.

Диссертациянинг «**Синиш соҳаси ва стерженлар атрофи тўқималари регенерациясининг морфологик таърифи**» деб номланган тўртинчи бобида шиншилла зотли 20 та экспериментал қуёнларда кўп сонли жароҳатлар эксперимент модели чақирилган, оёқ суякларини синишлари стерженли мослама модули ёрдамида остеосинтез қилинган ва даволаш даврида бисфосфонатлар қўлланилган, суяк тўқималари репаратив регенерацияси эса морфологик ўрганилиб, натижалари таҳлил қилинган. Эксперимент ўтказиш жараёнида «Эксперимент ўтказиш даврида ва бошқа илмий мақсадларда умуртқали хайвонлардан фойдаланиш Европа конвенцияси»га амал қилинди. Кузатув даври 1 суткадан 3 ойгача муддатни ташкил этди.

Даволаш услубига қараб қуёнлар икки гуруҳга бўлинди. Биринчи асосий гуруҳ қуёнларида стерженли мослама ва бисфосфанатлар (алендронат кислотаси) қўлланилган, иккинчи назорат гуруҳида мослама қўлланилган ва бисфосфонатлардан фойдаланилмаган. Кузатув даврида операция ўтказилгандан кейинги еттинчи кунда асосий гуруҳ қуёнларига озукасига 2 мг/кг ҳисобида алендронат кислота қўшиб берилди. Синган жойдаги ва сикстерженлар атрофидаги суяк тўқималари репаратив регенерацияси морфологик ўрганилди, натижада суяк дефектлари битишида эксперимент бошида суяк усти пардасида томирларнинг қонга тўлиши билан кучайган пролиферация қайта ўзгаришлари, хужайралараро шиш ва фибробластлар гипертрофияси ва фибробластлар кузатилди. Суяк пластинаси чегарасида фибробластларнинг остеобластларга трансформацияси юз берди ва кейинчалик эса пластиналардан ташкил топган қўпол суяк тўқимасига айланади. Суяк дефекти соҳаларида ва стерженлар атрофида янги ҳосил бўлган остеоид тўқималарда посткапилляр веналар ва капиллярларнинг регенерацияси кучайиши кузатилди. Янги ҳосил бўлган репаратив тўқималар таркибида хужайралар ўзаро муносабати ҳисобига фиброцитар ва остеоид хужайраларни кучли даражада фаоллашиши суяк тўқимаси дефекти битишининг асосий механизми деб ҳисобланди. Даволашнинг узоқ муддатларида микроциркулятор томирларнинг толали фиброз тўқималар билан ёпишиши кузатилди. Бу эса суяк тўқимаси репаратив регенерацияси тугагандан кейин ҳам суяк усти пардасида томирлар микроциркуляцияси регенерациянинг давом этишини кўрсатади. Иккинчи гуруҳ қуёнларида эса жароҳатдан кейинги даврда стерженлар атрофи суяк тўқималарида ва томирларда паралитик ўзгаришлар, периваскуляр зоналарда қон қуйилишлари кузатилди. Кузатув давомида эндост суяк регенерациясининг сустлиги, кариолизис ва кариорексис ҳолатлари, фибробластлар ва бирламчи суяк остеоид тўқималарининг суст ривожланиши кузатилди.

Диссертациянинг «**Оёқ суякларини кўп сонли синишлари диагностикаси ва комплекс жарроҳлик даволаш тактикаси**» деб

номланган бешинчи боби диагностика усуллари, касалликнинг клиник кечиши, даволаш тактикаси ва даволаш жараёнида келиб чиқадиган асоратлар профилактикасига бағишланган. Диагностика ва даволаш алгоритми ҳамда кутилаётган асоратларни прогношлаш дастури ишлаб чиқилган. Беморларда комплекс клиник, лаборатория, рентгенологик ва керак бўлган ҳолларда МСКТ текширувлари ўтказилгач, келиб чиқиши мумкин бўлган асоратлар олдини олиш мақсадида шокка қарши интенсив чора-тадбирлар ўтказилди.


Кузатувдаги 220 та бемордан 28 (12,7%) нафарида ёғли эмболия кузатилди, улардан 19 беморда икки томонлама синишлар, 9 беморда очик синишлар қайд этилди. Барча 28 (12,7%) нафар беморда ёғли эмболия секин ривожланиб кечадиган шаклда «ёруғ оралик вақт»дан, 3та беморда (10,7%) бир суткадан, 17 (60,7%) беморда икки суткадан ва 8 (28,63 %) беморда 3 суткадан кейин кузатилди.

Ёғли эмболиянинг шаклланиш даври ўртача $3,4 \pm 2,2$ кунларни ташкил қилди. Бунда субклиник кечиши кузатилиб, хуши бузилиши (23–82,1%), сопор ва кома (5–17,9%) ҳолатлари қайд этилди. Ёғли эмболия диагностикаси Shonfeld (1973) мезонлари (петехиал тошма, рентгенологик «қон бўрони» симптоми, гипоксемия, лихорадка, тахикардия, тахипноэ, хушнинг бузилиши) ёрдамида тасдиқланди. Сабабсиз анемия эса 67,9% беморда (гемоглобин ўртача миқдори $57,0 \pm 7,8$ г/л), тромбоцитопения эса 57,1% беморда (ўртача $119,5 \pm 10,0 \times 10^9$ /л), лейкоцитоз 35,7% беморда (ўртача $16,7 \pm 4,1 \times 10^9$ /л), ўпка рентгенографиясида 10 беморда (35,7%) «қор бўрони» ҳолати кузатилди. Жароҳатдан кейинги 2-3 кунда бўйин терисида, кўкрак қафасида, елка ва сонда, шиллиқ пардаларда петехиал тошмалар 17 (60,7%) беморда кузатилди. Беморларнинг умумий ахволи ўртача $7,3 \pm 2,5$ суткага келиб стабиллашди. Бемор ҳолати стабиллашгач (72 соатдан кейин), синган суяклар остеосинтез қилинди.

Оёқлардаги қон томирлар тромбозини эрта профилактикаси ва диагностикаси мақсадида ультратовушли доплерографик текширувлар ўтказилди. 120 беморда оёқ томирларининг ультратовушли доплерография текширувлари ўтказилди. Чанок венаси, умумий сон венаси, катта тери ости венаси, юзаки сон венаси, тақим ости венаси, болдир чуқур веналарида қон оқиши текширилди. Операциягача бўлган даврда 33(27,5%) беморда веналар тромбози аниқланди. Посттромбофлебит касаллиги белгилари 8 (6,7%) беморда кузатилди. Ўпка артерияси тромбоземи болияси кузатилмади. Томир девори юзасига нисбатан тромблар деворга ёпишган, окклюзияланувчан, флотирланувчан турлари аниқланди. Тромблар локализацияси аниқлаш пайтида (19–57,6%) ҳолатда умумий сон венасида, 7 (21,2%) чанок венасида, 3 (9,1%) сон юзаки венасида, 2(6,1%)та беморда катта тери ости венасида, тизза ости венасида эса (1–3,0%) ва болдир чуқур веналарида (1–3,0%) учради. Томир ичи тромблари: окклюзив 16(48,5%), флотирланувчи 11(33,3%) ва деворга ёпишган ҳолат 6(18,2%) беморларда учради.

Суяк тўқимаси зичлигини баҳолаш рентгенденситометрия усулида текширилди. 147 бемордан 48 (32,7%) беморда (асосий гуруҳ) алендрон

кислотаси самараси текширилди. Комбинацияланган медикаментоз даво алендронат кислотаси ёрдамида биринчи 6 ой давомида 70 мг хафтада бир марта, кальций ва витамин Д₃ препаратлари (1000 мг кальций + 400 МЕ витамин Д₃) ҳар куни 2 марта, назорат гуруҳидаги 16 (10,9%) беморга фақат кальций ва витамин Д₃ буюрилди. Асосий ва назорат гуруҳлари беморларида суяк тўқимаси зичлиги ва бемор қон зардобидаги кимёвий кўрсаткичлар таққослама ўрганилди. Рентгенденситометрия беморларда турли муддатларда бажарилди: беморлар стационар даврдан кейин 3-4 ой ўтгач ва 1 йилдан кейин. Денситометрия текширувлари стандарт (умуртқа погонаси бел қисми ва сон суяги проксимал қисми) ва total body дастурларида ўтказилган. Минерал зичлик беморларнинг ёшига кўра T- ва Z-критерий даражасига кўра ўрганилди. Критерийлар 1,0SDдан -2,5SDгача миқдори остеопения, -2,5SDдан паст кўрсаткичлар остеопороз деб олинди. 18дан 60 ёшгача Z-критерий, 61 ёшдан 66 ёшгача бўлган беморларда T-критерийлардан фойдаланилди. Имобилизация даврида суяк массасининг пасайиши (ўртача: -2,2SD), ва бисфосфонатлар ёрдамида даволаш мобайнида суяк массасининг ортиши (ўртача: -1,5SD) кузатилди. Даволашнинг биринчи босқичида total body дастури бўйича олинган денситометрик кўрсаткичлари суяк, ёғ ва мушак тўқималарининг бир-бирига нисбати аппарат билан фиксация даврида 1:13,0:20,5ни, суяк тўқимаси миқдори эса 2,71%ни ташкил этди (2-расм).



2-расм. Минерал суяк зичлигини гуруҳларда таққослама натижалари (г/см²), бунда: ПОП – умуртқанинг бел қисми; ПОБ – соннинг проксимал қисми.

Сон ва болдир суякларининг бир томонлама синишларида аппаратни ечгандан кейин бир ойдан сўнг суяк тўқимаси фоиз миқдори пасайганлиги кузатилди 10,5% ва 6,95%, бир йилдан сўнг – 7,63% ва 5,89%. Сон ва болдирнинг икки томонлама синиши суяк тўқимасининг фоизли миқдори

аппарат билан фиксация даврида суяк тўқимаси 11,8 и 8,54% га камайди, бир йилдан сўнг эса 8,97 ва 6,88% ни ташкил этди.

